

ХАЛҚ СЎЗИ

ХИЖРИЙ:
ҚАМАРИЯ 1411 ЙИЛ
ЗУЛ-ХИЖЖА, 1-КУН.
ШАМСИЯ,
1370 ЙИЛ
ЖАВЗО, 25-КУН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январга таваллуг толган

1991 йил 14 июнь, жума, 112-сон

НАРХИ ОБУНАЧИГА 7 ТИЙИН.
СОТУВАДА 10 ТИЙИН.

Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

Ушбу иккинчи чакирққ Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг бешинчи сессияси 13 июнь куни Тошкентда ўз ишнин давом эттирди.

Мажлисини Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг раиси Ш. М. Йўлдошев бошқарди.

Сессия ишда Ўзбекистон ССР Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов қатнашди.

Депутатлар кун тартибидagi масалаларни муҳокама қилишнинг давом эттирилди. Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетининг раиси Э. Ҳ. Халилов Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши иш тартибининг лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди.

Ҳар томонлама муҳокамадан сўнг иш тартиби қабул қилинди.

Ўзбекистон ССР вице-президенти Ш. Р. Мирсамов «Мустакил давлатлар иттифоқи тўғрисидаги шартнома лойиҳаси ҳақида маъруза қилди.

Маърузани муҳокама қилишда халқ депутатлари Д. Н. Шамшатов, Э. Т. Шайхов, М. Т. Зоҳидов, Ҳ. З. Нисомитдинов, Т. Ш. Ширинқулов, Ф. Омонов, Н. Ю. Тўраев, М. Р. Раҳмонов, Т. Ҳошимов, Б. К. Нурметов, Ш. Мирзеев, А. Турдиқулов қатнашдилар.

Олий Кенгаш шу масала юзасидан қарор қабул қилди, Иттифоқ шартномасини имзолаш учун делегация таркибини тасдиқлади.

Сўнгра депутатлар «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги ҳамда «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан Туркменистон Совет Социалистик Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномаларни ратификация қилиш ҳақидаги масалани кўриб чиқишди. Шу масала юзасидан Ўзбекистон ССР Президенти ҳузурдаги Вазирлар маҳкамаси раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков ахборот берди.

Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Халқ депутатлари ҳар икки шартномани ратификация қилдилар.

Депутатлар Ўзбекистон ССР ҳукуматининг шу йил баҳорда республикада юз берган табиий офат оқибатларини тугаткич юзасидан кўраётган чора-тадбирлари тўғрисида И. Ҳ. Жўрабеков ахборотини маълумот учун қабул қилдилар.

Депутатлар «Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги Ўзбекистон ССР қонуни лойиҳасини муҳокама қилдилар. Ошкоралик масалалари комитетининг раиси Э. Воҳидов маъруза қилди.

Лойиҳани муҳокама қилишда халқ депутатлари Р. Раҳмонов, Н. Саъдуллаев, М. А. Иброҳимов, С. Мадаминов (Муҳаммад Солиқ), Э. Ҳақимов, С. И. Зинин, К. Тўйчиев, М. Р. Отақулова, Т. Йўлдошев, Н. Н. Екубов, И. Файзуллаев, Д. Т. Раҳметова, Ўзбекистон ССР прокурори Б. М. Мустафоев қатнашдилар.

Депутатлар ошкоралик масалалари комитетига айтилган тақлифлар ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб, лойиҳани пухталаштириш ҳамда уни овозга қўйиш учун тақдим этишни топширдилар.

Миллатлараро муносабатлар, тил ва маданият масалалари комитетининг раиси П. Қ. Қодиров «Ижтимоий эркинлик ва диний таъқиқлар тўғрисидаги Ўзбекистон ССР қонуни лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Мажлисида депутатлар Б. Ж. Ҳақимов, И. Юсупов, Ҳ. К. Эшонқулов қатнашдилар. Муҳокамага қўйилган масалага доир музокараларни давом эттиришга қарор қилинди. Сессия ўз ишнин давом эттирди.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

**ЎРТОҚ А. МУТАЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР
ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР
МАҲКАМАСИ РАИСИНИНГ ЎРНИБСОСАРИ ЭТИВ
ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон ССР Президентининг тақдимномасини қараб чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

Ўртоқ Абдулқошим Муталов Ўзбекистон ССР Дон маҳсулотлари вазири вазифасидан озод қилиниб, Ўзбекистон ССР Президенти ҳузурдаги Вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари этив тасдиқлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши
раисининг ўринбосари**
Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 июнь.

Б. БУГРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

**ЎРТОҚ А. Ш. ҲАБИБУЛЛАЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР
ТАБИАТИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ
КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ ЭТИВ ТАЙИНЛАШ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон ССР Президентининг тақдимномасини қараб чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

Ўртоқ Асқад Шарипович Ҳабибуллаев Ўзбекистон ССР Табиати муҳофазаси қилиш давлат комитетининг раиси этив тайинлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши
раисининг ўринбосари**
Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 июнь.

Б. БУГРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

**ЎРТОҚ А. С. МОРГАСОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР
ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ
ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

Ўртоқ Анатолий Сергеевич Моргасов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши
раисининг ўринбосари**
Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 июнь.

Б. БУГРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

**ЎРТОҚ Ф. АЛИЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР
ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ
ЭТИВ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон ССР Президентининг тақдимномасини қараб чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

Ўртоқ Фулом Алиев Ўзбекистон ССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси этив тасдиқлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши
раисининг ўринбосари**
Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 июнь.

Б. БУГРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

**ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ҲАҚАМЛИГИНИНГ
ИДОРАЛАРИНИ ҚАЙТА ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон ССР Давлат ҳақамлиги Ўзбекистон ССРнинг Олий ҳақамлиги судига, вилоятларнинг давлат

ҳақамликлари тегишлича вилоятларнинг ҳақамлиги судларига айлантирилсин.

Қорақалпоғистон МССР Олий Кенгашига Қорақалпоғистон МССР Давлат ҳақамлигини Қорақалпоғистон МССР ҳақамлиги судига айлантириш тўғрисидаги масалани қараб чиқиш тавсия этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон ССР Олий ҳақамлиги суди республика ҳақамлиги судларига раҳбарлик қилади, уларнинг маблағ билан, моддий-техника ва ўзага таъминоти масалаларини ҳал этади.

3. Ўзбекистон ССР Олий ҳақамлиги суди раисининг ўринбосарларини, вилоят ҳақамлиги судларининг раисларини Ўзбекистон ССР Олий ҳақамлиги суди раисининг тақдимномасига буюван Ўзбекистон ССР Президентини тайинлайди.

Қорақалпоғистон МССР ҳақамлиги судининг раисини Ўзбекистон ССР Президенти билан келишган ҳолда Ўзбекистон ССР Олий ҳақамлиги судининг раисини тақдимномасига буюван Қорақалпоғистон МССР Олий Кенгаши сайлайди.

Ўзбекистон ССР Олий ҳақамлиги судларининг ҳақамлигини, вилоят ҳақамлиги судлари раисларининг ўринбосарларини ва ҳақамлиги судларининг раисини тақдимномасига буюван Ўзбекистон ССР Олий ҳақамлиги судининг раисини тайинлайди.

4. Короналар, муассасалар ва ташкилотлар ўртасидаги ҳужжалик низоларини Ўзбекистон ССР Олий ҳақамлиги суди, Қорақалпоғистон МССР ҳақамлиги суди ва вилоятларнинг ҳақамлиги судлари ҳал этади.

Ҳақамлиги судларининг низоларини ҳал этишга доир фаолиятга бирорта идора, ташкилот ёки мансабдор шахсининг аралашувига йўл қўйилмайди.

5. Ўзбекистон ССР Олий ҳақамлиги судининг назорат тартибиде қабул қилган қарорни узил-кесил бўлиб, уни қайта кўриб чиқиш мумкин эмас.

6. Ўзбекистон ССР Олий ҳақамлиги судига Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг Қонунчилик, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети билан бирга Ўзбекистон ССР ҳақамлиги судларини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари ва фаолият кўрсатиш тартибининг бошқариш туровчи қонуни ҳужжатларининг лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон ССР Олий Кенгашига киритиш топширилсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши
раисининг ўринбосари**
Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 июнь.

Б. БУГРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

**ЎРТОҚ Р. А. ҲАЧАТУРОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР
ОЛИЙ ҲАҚАМЛИК СУДИНИНГ РАИСИ ЭТИВ
САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон ССР Президентининг тақдимномасини қараб чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Бош давлат ҳақами ўртоқ Роберт Альбертович Ҳачатуров Ўзбекистон ССР Олий ҳақамлиги судининг раиси этив сайлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши
раисининг ўринбосари**
Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 июнь.

Б. БУГРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

**ЎРТОҚ У. Қ. МИНГБОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН ССР
ОЛИЙ СУДИНИНГ РАИСИ ЭТИВ САЙЛАШ
ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон ССР Президентининг тақдимномасини қараб чиқиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши қарор қилади:

Ўртоқ Убайдулло Курбонвич Мингбоев Тошкент шаҳар судининг раиси вазифасидан озод қилиниб, Ўзбекистон ССР Олий судининг раиси этив сайлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Кенгашининг
раиси**
Тошкент шаҳри,
1991 йил 12 июнь.

Ш. ЙЎЛДОШЕВ.

«Халқ сўзи» таништиради



**ЎЗБЕКИСТОН ССР
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
РАИСИНИНГ МУОВИНИ
АБДУҚОШИМ МУТАЛОВ**

1947 йилда туғилган, ўзбек,
1970 йилдан КПСС аъзоси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ТАБИАТИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

**Асқад Шарипович
ҲАБИБУЛЛАЕВ**

1939 йилда туғилган, ўзбек,
1970 йилдан КПСС аъзоси,
Тошкент ирригация ва қишлоқ
ҳўжалигини механизациялаш
инженерлари институтини,
КПСС Марказий Комитети ҳу-
зурдаги Илтимойи Фанлар
академиясини битирган. Касби
— муҳандис-гидротехник.
Мажлиси фаолиятини 1960 йил-
да Тошкент вилоят совхозлар
трестининг 2-машина-экскава-
тор станциясида усталиқликдан
бошлаган. Сирдарё вилоятида-
ги «Бову» давлат ҳўжали-
гининг бош муҳандиси бўлган,
сўнгра республика Қишлоқ ҳў-
жалиги, совхозлар вазирлиги,
ларда турли лавозимларда
ишлаган. Ўзбекистон ССР Ва-
зирлар Кенгашининг Сув ҳў-
жалиги ва сув ҳўжалиги кури-
лиши бўлими мудирининг муо-
вини, ушбу бўлими мудирини

Москвадаги Бутуниттифоқ озик-
оқат саноати сирти институтини
туғатган. Касби — муҳандис-
гидротехник. Мажлиси фаолияти-
нини 1965 йилда Тошкентдаги
2-дон маҳсулотлари комбинати-
да ишчиликдан бошлаган.
Ҳарбий хизматдан қайтганидан
сўнг Тошкент гуруҳ комбинати-
да смена устаси, цех бош-
лиги, бош муҳандис муовини,
Тошкентдаги 4 ва 2-сон комби-
натларида директор ўрин-
босари, бош муҳандис, Оли-
гардон ном маҳсулотлари комби-
натида директор бўлиб иш-
лаган. 1986—1987 йилларда
Ўзбекистон ССР Дон маҳсу-
лотлари вазирлигида вазир
ўринбосари, кейин эса вазир
бўлган. Ўзбекистон Компартия-
сини Марказий Комитетини-
нинг аъзоси.



**«Олоднострой» бошлиги
бўлган. Сирдарё вилоят партия
комитетининг котиби, иккинчи
котиби, Жиззах вилоят партия
совети ижроия комитетининг
раиси, Сирдарё вилоят партия
комитетининг иккинчи котиби
қилиб сайланган. 1990 йил-
дан Ўзбекистон ССР Олий
Кенгаши Курлиши, мазмунчи-
лик, уй-жой коммунал хўжали-
ги ва ободлаштириш коми-
тетининг раиси. Ўзбекистон
ССР халқ депутати.**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ

Фулом АЛИЕВ

1934 йилда туғилган, ўзбек,
1961 йилдан КПСС аъзоси,
Андижон давлат педагогика
институтини битирган. Касби—
ўқитувчи. Мажлиси фаолиятини
1952 йилда Андижон шаҳар

санитария-эпидемиология стан-
циясида шоферликдан бошла-
ган. Вилоят газетасида, Анди-
жон вилоятининг совет, ком-
сомол ва ҳуқуқ-тартибот таш-
килотларида турли лавозим-
ларда ишлаган. 1966 йилдан
Давлат хавфсизлиги комитети
ташкилотларида — Ўзбеки-
стон ССР Вазирлар Кенгаши
ҳузурдаги Давлат хавфсизли-
ги комитетининг Андижон вило-
яти бўйича оператив вакили,
катта оператив вакили,
1974—1981 йилларда Давлат
хавфсизлиги комитети Ленинск
шаҳар бўлимининг бошлиги,
сўнгра Давлат хавфсизлиги коми-
тетининг Самарқанд вилояти
бошқармасида ва Ўзбекистон
ССР Давлат хавфсизлиги коми-
тетиде ишлаган. 1984—1989
йилларда Ўзбекистон ССР
Давлат хавфсизлиги коми-
тетининг Қашқадарь вилоят бош-
қармаси бошлиги бўлиб, 1989
йилдан то шу кунга қадар Ўз-
бекистон ССР Давлат хавфсиз-
лиги комитети раисининг муо-
вини вазифасида ишлаб келди.



**ЎЗБЕКИСТОН ССР
ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИГИ
КОМИТЕТИНИНГ РАИСИ**

Фулом АЛИЕВ

1934 йилда туғилган, ўзбек,
1961 йилдан КПСС аъзоси,
Андижон давлат педагогика
институтини битирган. Касби—
ўқитувчи. Мажлиси фаолиятини
1952 йилда Андижон шаҳар

санитария-эпидемиология стан-
циясида шоферликдан бошла-
ган. Вилоят газетасида, Анди-
жон вилоятининг совет, ком-
сомол ва ҳуқуқ-тартибот таш-
килотларида турли лавозим-
ларда ишлаган. 1966 йилдан
Давлат хавфсизлиги комитети
ташкилотларида — Ўзбеки-
стон ССР Вазирлар Кенгаши
ҳузурдаги Давлат хавфсизли-
ги комитетининг Андижон вило-
яти бўйича оператив вакили,
катта оператив вакили,
1974—1981 йилларда Давлат
хавфсизлиги комитети Ленинск
шаҳар бўлимининг бошлиги,
сўнгра Давлат хавфсизлиги коми-
тетининг Самарқанд вилояти
бошқармасида ва Ўзбекистон
ССР Давлат хавфсизлиги коми-
тетиде ишлаган. 1984—1989
йилларда Ўзбекистон ССР
Давлат хавфсизлиги коми-
тетининг Қашқадарь вилоят бош-
қармаси бошлиги бўлиб, 1989
йилдан то шу кунга қадар Ўз-
бекистон ССР Давлат хавфсиз-
лиги комитети раисининг муо-
вини вазифасида ишлаб келди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ ҲАҚАМЛИК СУДИНИНГ РАИСИ

**Роберт Альбертович
ҲАЧАТУРОВ**

1928 йилда туғилган, армени,
1957 йилдан КПСС аъзоси, Тош-
кент давлат ҳуқуқшунослик ин-
ститутини тавонлаган. Касби —
ҳуқуқшунос. Мажлиси фаолияти-
нини 1949 йилда Ўзбекистон ССР
Адлия вазирлигининг Тош-
кент вилоят бошқармасида
тафтишчиликдан бошлаган.
Сўнгра «Среднеэлектромонтаж-
трестининг адлия масла-
ҳатчиси, Ўзбекистон ССР Ку-
рилиш вазирлиги адлия масла-
ҳатчининг бошлиги — бош ҳе-
ками, Ўзбекистон ССР Вазир-
лар Кенгашининг катта мас-
лаҳатчиси, адлия бўлимининг
мудирини бўлиб ишлаган. 1982—



1987 йилларда республика Ва-
зирлар Кенгаши ҳузурдаги
давлат ҳақамлигининг бош
давлат ҳақами, 1987 йилдан
эътиборан эса Ўзбекистон
ССР Бош давлат ҳақамини
ав-
эфсасида ишлаган.



**ЎЗБЕКИСТОН ССР
ОЛИЙ СУДИНИНГ РАИСИ**

**Убайдулло Курбонович
МИНГБОВ**

1939 йилда туғилган, ўзбек,
1969 йилдан КПСС аъзоси.

Тошкент давлат университетини
битирган. Касби — ҳу-
қуқшунос. Мажлиси фаолиятини
1967 йилда Тошкент шаҳар
Октябрь район совети ижроия
комитетининг ички ишлар бў-
лимида катта терговчиликдан
бошлаган. Сўнгра Сурхон-
дарё вилояти ва республика
милициясида суд маҳкамалари-
ларида ишлаган. 1978—1987
йилларда Бухоро вилоят су-
дининг раиси бўлган. 1987—
1988 йилларда Ўзбекистон ССР
Олий судининг аъзоси. 1988—
1990 йилларда Ўзбекистон ССР
Олий суди жинсий ишлар бў-
лими суди коллежис раиси ла-
возимларида ишлаган. 1990
йилдан шу кунгача Тошкент
шаҳар судининг раиси.



Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши сессиясидан лавҳалар.
Бирини БОТИР олган суратлар.

Эсингизда бўлса керак, «Халқ сўзининг 12 июнь со- нида «Агар менга сўз берил- са...» сарлавҳаси остида Ўз- бекистон ССР халқ депутатла- ридан бир неча киши билан рўзнома муҳбирининг мусоха- баси баъни босиб чиқарилган- ди. 13 июнь эрталаб биз депу- татлар — сурхондарёлик Эл- мурод Юсупов ва хоразмлик Норпошша Ибройимовдан раддия хатлари олдик. Улар- дан бири — Э. Юсупов «Мен берган интервьюда «СССР Бош вазир Павлов раҳбарлик қи- лган кабинет аъзолари» де- ган жумлалар қолдириб ке-

Ташвишли ҳол
ДЕПУТАТ СЎЗИДАН НЕГА ҚАЙТДИ?

ТОШВИШЛИ ҲОЛ ДЕПУТАТ СЎЗИДАН НЕГА ҚАЙТДИ?

трилган» дейди. Чиндан ҳам
мулоқот олиб борган А. Бой-
қўзиёва Павловнинг фамилия-
сини кўрсатмай, «Ҳукумати-
миз раҳбарларига халқни ал-
дамаслик қараклигини айт-
моқчи»ми», деган мазмунда
депутатнинг фикрини берган.
Норпошша Ибройимов «Кол-
хозчи, оддий одамларнинг қо-
зонда ҳеч ақо йўқ» сўзлари
менга бутунлай ёт деб мун-
дур келадим.

ТОШВИШЛИ ҲОЛ ДЕПУТАТ СЎЗИДАН НЕГА ҚАЙТДИ?

Ҳар иккала депутат ва Ўз-
бекистон ССР Олий Кенгаши
сессиясида қатнашган барча
депутатларга шуни маълум
қилганимиз, Э. Юсупов ҳамда
Н. Ибройимов томонидан
билдирилган фикрлар улар-
нинг ҳиссий низолари билан
тасдиқланган ва муҳбир ўзи-

Навоийдан хат

Хўроз ҳозир ҳамма жойда бир хил қичқирмоқда. У сайловда кунларини ёдимга солиди. Номзодларнинг ҳаракат дастурлари, тарғибот ишлари, қоп-қоп ваъдалари, баъиринчлару чақирғилари, уймау-уй юриб илтимос қилишлари кўпчилигининг ёдида. Хуллас, ҳамма даражадаги сайловлар ўтди. Ҳаяжонлар босилди. Ушанда берилган ваъдалар ҳам аста-секин унутилди... Аҳвол баттар оғирлашди. Турмушдаги иқтисодий тақчиллик одамларнинг сабр косасини тўлдирмоқда. Ўз депутатларига ишончи сусаймоқда. Наҳотки, умидларимиз сароб бўлиб қинса? Ахир биз бундай бўлишни кутмагандик-ку?

Навоий шаҳар рўномасининг ўтган йилги солларини арақлардан, халқимдан шулар кеңди. Ушанда номзодларнинг ақсарияти иқтисодий таъминотини яхшилаш, нарх-навоининг кескин ошишига қарши курашиш, экологик мувозанатни тартибга келтириш, миллатлараро муносабатларни изга солиш, жиноятчиликнинг олдини олишдек қатор ҳаётини муҳим муаммоларни ўз ҳаракат дастурларига киритгандилар. Ваъдалар ҳисобига депутатлик мандатларига эга бўлишга, режалар қозғога қилишга, экологик вазият янада мураккаблашди, нарх-наво қўқорини чуқурга чиқди, жиноятчилик ва чалғовчилик илдишлари тобора мустаҳкамланипти. Дўконлар пештахталари бўм-бўш.

Бундан ўн йил олдин шаҳарда аҳвол бошқача эди. Энг хариддор-гир ва арзон моллар Навоийда бўларди. Озиқ-овқат дўконлари ҳатто қўшни районларнинг аҳолисини таъминларди. Ё ҳамма жойда шундай тўқинчиликми? Бу ерда барибир савдо хизмати аъло даражада эди. Саноат ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан Москвадан ўзи таъминларди. Чунки марказнинг ишонган корхоналари шу мақолада эди. Кон-металлургия, «Навоназот», электротекме, цемент заводларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бугун ҳам Иттифоқнинг турли бурчакларига юборилмоқда. Хорижликлар ҳам Навоий саноат корхоналари билан иқтисодий алоқа ўрнатдилар.

Ҳа, ўттиз йил бурун саҳродан иборат бу гўша эндиликда бутун дунёнинг эътиборини тортмоқда. Заминнинг олтинлари мана шундай қадарга эга эканлигини кейинроқ билдик. Шу боис Навоий шаҳри партия ва совет ҳалқининг иродаси билан пайдо бўлган деган фикр сохта. Кимсасиз бейбонга сув чиқариш, осмондан уйлар қуришга Москвадан кўзи учиб турмаганди. Шундоқ ҳам Россиянинг бейбон кенгликлари ҳувиллаб ётибди. Ушанда Нокоратурпрот миқтақасини обод қилишдан кўра Қизилқумнинг 99,99 фоиз соғ олтинига эга бўлиш иштиёқи Москванини шошириб қўйганини биз билмаганмиз. Марказдагилар буни сир тутишган. Улар бойликларга мутлақ ҳокимлик қилиш режаларини ишлаб чиқдиларки, ҳозиргача ҳам бу синаотдек тўлолади.

Ўттиз уч йилдирки Навоий кон-металлургия комбинати шаҳарнинг бош таъминотини ҳисобланади. Энг йирик маданий-маиший бинолар шу корхона ихтиёрида. Унинг бўлимларида ишлаган кишилар алоҳида имтиёزلарга эга бўлиб келдилар. Ҳозир ҳам ишчиларга 60 фоиз қўшимча ҳақ тўланади. Устига устак, СССР Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли 27-тиббий санитария қисми уларга хизмат қилади.

Савдо тармоқлари икки-уч тоифага бўлинган бўлиб, энг йириклари комбинатнинг таъминот бошқармасига бўйсуннади. Уй-жой қуриш, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш, болалар богчалари, тиббий тармоқларниқу корхоналарнинг ўзлари молиявий жиҳатдан таъминланади. Демак, ҳалқ депутатлари шаҳар совети ноиблари бу масалалар юзасидан

бош қотирмасалар ҳам бўлади. Лекин муаммолар етарли. Кўпчилик депутатларнинг дастурларига, юқорида таъкидланганидек, экологик ҳолатини яхшилаш масаласи киритилган. Саноат корхоналарининг атроф муҳитига зарари ҳақида аҳоли уч-тўрт йилдан бери бонг ўрмоқда, матбуот нашрларида кўпроқ ёзилмоқда, ҳалқ депутатлари шаҳар совети сессияси манабидан қайта-қайта айтиляпти. Аммо ҳалигача иккинчи натижаларга эришилмаётир. Сабаби — биринчидан, атроф муҳитини булғатган корхоналарини ёпиб қўйишнинг имконияти йўқ. Иккинчидан, уларнинг режаларини советлар эмас, Иттифоқ вазирликлари белгилаб беришди. Биз экология деб қанчалик бонг урмайлик, овозимиз барибир Москвага бориб етмайди. Сайловчилар таъналарининг боиси шунда. Начора, Навоийдаги саноат корхоналари фаолиятини бир имзо билан тўхтатиб бўлмайди. «Навоназот» бўлашмасида 10.000, кон-металлургия комбинатида 60 минг киши ишлапти. Иқтисодий танглик шароитида таъ-

арий республика ихтиёрига берилса, ҳар биримизнинг остонамиз тилладан бўларди. — дейди шаҳар советининг яна бир депутати Ҳасан Назаров.

Тармоқ вазири В. Коноваловни айин шу ҳақиқат безовта қилиб келмоқда. Шунинг учун у Навоий кон-металлургия комбинатини қўлдан чиқармаслик учун барча чораларни кўраётти. Айниқса «СССРда мулчилик тўғрисида»ги қонун унга энг катта қалқон. Маъмур, ҳужжатда олтин ва бошқа металллар «кумитифоқ» мулкисидеб эътироф этилган. Ундан кейин қабул қилинган «Ўзбекистон ССРда мулчилик тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддаси 1-бандида эса бундай дейилади: «Ёр ва ерости бойликлари, яъни сувлар, ўсимликлар ва ҳайвонот дувёси, жумҳурият ҳудуди доирасидаги ҳаво ҳаваси Ўзбекистон ССРнинг муштасул мулкидир». Ушбу модданинг иккинчи бандида бошқа қонди битилган: «Ўзбекистон ССР воқидан ер, ерости бойликлари, яъни сувлар, ўсимлик ва ҳайвонот дувёси,

Ҳақли савол туғилади: модомики республика иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақил деб эълон қилинган экан, биз ўз қонунларимизни қаттиқ туриб ҳимоя этмоғимиз керак эмасми? Бироқ таассуф: ҳалқ депутатлари Навоий шаҳар советининг бир гуруҳ депутатлари умумиттифоқ вазирлиги ҳуқимронлигини сақлаб қўлиш тарафдорлари эканликларини айтишди. Ва улар бунинг сабабларини қуйидагича изоҳлашди:

— Навоий — умумиттифоқ аҳамиятига молик шаҳар. Унинг таъминоти билан кўпроқ мамлакат Режа комитети шуғулланади. Шунинг учун шаҳар дўконларига турли бурчаклардан озиқ-овқат ва саноат моллари келади. Бунинг нимаси ёмон? Агар биз Иттифоқ вазирликларига тасаруфидан чиқарилган бўлса, у ҳолда ишлаб чиқариш суръати кескин пасаяди. Марказ бизга керакли техника ва жиҳозларни бермай қўяди.

Эътибор қилаёспизми, гап нима ҳақида бормоқда? Депутатларимиз аримас «қайтарма алоқалар»ни пеш қилишляпти. Аслида бу жараён нақд пул эвазига амалга оширилади. Лекин Иттифоқдаги қатор вазирликлар ана шу саноат корхоналари ҳисобига кун кўришляпти тўғрисида ҳатто гапирини иштамайди азаматлар! Ондан тўшса-да, агардан туғиши келмаётган Иттифоқ вазирликлари республика ҳудудидаги корхоналарнинг қалитларини бертилар келмай, ўзларини турли томонга ташламоқдалар. Аҳвол шундай давом этаверса, марказнинг мутлақ ҳокимлиги бундан бўён ҳам сақланиб қолиши турган гап.

Шу йилнинг биринчи январидан бошлаб янги қонунга мувофиқ Иттифоқда бўйсунуши корхоналар 45 фоиз солиқ тўламоқдалар. Мана баларга кўра, Навоийдаги комбинат ва заводлардан келадиган даромадининг 23 фоизи шаҳар бюджетига келиб тушади. Бу бир неча ўн миллион сўм деган гап. Маҳаллий ҳокимиятнинг умумий даромади эса 115 миллион сўм. Бироқ унинг 25 миллион сўмигина ўзига тегади. Қолгани юқорига «узатилади». «Бер-бер» шу пайгача шаҳарнинг иқтисодий мустақиллигини келтириб қўлади. 4—5 йил бурунги сессиялар қарорларида «таклиф этилсин», «илтимос қилинсин» деган жумлалар кўп учрашининг сабаби шу. Саноат тармоқлари шаҳар советига бўйсунмагун, депутатлар дарларини кимга ёриб айтишни билишмасди. Бугун эса улар ҳар ҳолда корхоналар фаолиятини танқид қилмоқдалар, совет фармоишлари ҳам Иттифоқ тасаруфиданги корхоналарга муайян даражада ўз тасирларини ўтказаятирлар. Сессияларда мунозаралар авжга чиқмоқда, бири иккинчисидан муҳим қарорлар қабул қилинаётти. Аҳволни яхшилаш юзасидан қўшимча бўлимлар, бошқармалар, доимий комиссиялар тузилмоқда. Тадбирларнинг ҳаммаси аҳоли манфаатларини кўзлаб белгилаб-етгани аён. Энди уларни рўвбага чиқариш депутатларнинг ҳаракатларига боғлиқ. Аммо энг асосий масала — мустақилликка келганда ноиблар ҳамон сукут сақлашляпти. Нега энди шаҳар меҳнаткешлари қўли билан бунёд этилаётган маҳсулотлар Иттифоқ деб аталган умумий қозонда қайнайди? Москвада чалинган ўнгирик керак? Навоийда акс садо бериши керак? Марказга «жўнатилмаётган бебаҳо мулк»имиз — олтин, уран, нитрон толаси ва бошқа ноиб маҳсулотлар аниқ ҳисоб-китобини чиқаришнинг вақти ўтиб бормоқда-ку! Наҳотки ҳақимизни талаб қиладиган, ҳуқуқимизни танийдиган, қисқаси, одамга ўхшаб яшайдиган замон шу қадар узоқ бўлса?

Маҳдум МАРДИ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЯШАЙДУРҒОН ЗАМОН КЕЛДИМУ?

муриятлар келажак ҳақида ўйлашга мажбур. Экология хусусида қайғуришга эса вақт йўқ. Қолаверса, шаҳар бюджетини асосан шу корхоналардан тушадиган аримас улуш ҳисобига тўлдирилади.

Шаҳарда қўшқонимиятчиликни талаб қилаётган «Навоназот» ва электротекме заводлари айни кунларда Москвадан нажот кутинмоқда. Иттифоқ вазирликлари эса бу корхоналарни республика тасаруфига ўтказишга рўйхушлик беришляпти. Негаки, улар нафақат Ўрта Осиёда, балки бутун мамлакатда йирик кимё ўчоқларидан ҳисобланади. Боз устига, вазирлик хазинасини валютага тўлдиринмоқда.

Ўтган йилнинг октябрида Навоийга ташриф бурюрган СССР Атом энергетикаси ва саноати вазири В. Коновалов кон-металлургия комбинати бундан бўён ҳам марказ ихтиёрида қолади, деб ошқора айтди. Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигига тиш-тирноги билан тўқинлик қилаётган муштасул вазир нимага асосланиб бундай дегани? Бизга қоронғу. Иттифоқ ҳуқуқини эҳтимол унга «эркинчи қўлдан берма» деб тушунтиришди? Мабодо республикага ўз таъиний бойликларига эгаллик қилдиган бўлса, у кишининг юмшоқ курсида ўтиришига ҳожат қолмайди-да. Ҳолбуки, бизда Иттифоқ вазирликлари ҳисобига яшаётган шаҳарлар аз эмас. Биргина Навоий кон-металлургия комбинати ўттиз уч йилдан бўён Зарафшон, Учқудуқ, Нурободнинг молиявий таъминотини ҳам ўз гарданига олиб келмоқда. Кейинги пайтда корхона раҳбарияти бу вазифани маҳаллий ҳокимиятлар ихтиёрига ўтказиш йўллариини излаб қолдилар. Бироқ улар бунга тайёр эмас. Хазина бўм-бўш, шаҳар совети депутати Убайдулла Бурҳоннинг айтишича, кон-металлургия комбинати бўлимларида йилга тонна-тонна олтин қазиб олинса-да, бу маблағдан наф йўқ.

— Лоақал ушбу даромадининг

бошқа таъиний бойликларга эгаллик қилиш ҳуқуқини барча даражадаги ҳалқ депутатлари советлари ва шаҳар берилган ваколатлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон ҳалқ депутатлари қабул қилган бу муҳим ҳужжатдан Навоий кон-металлургия комбинати раҳбариятининг хабари борминди? Шак-шубҳасиз. Чунки улар бир неча ой бурун «Комсомольская правда» рўномаси муҳбирига «Мурунотдан олтин запараси ана эллик йилга етди», — деб ёлгон маълумот беришди. Ваҳоланки, Қизилқум кенгликлари қирқ йилдан бўён кавалламоқда. Эндиликда қўлда алғов-далғов бўлмаган жой қолмади ҳисоб. Ҳозир олтинопарларнинг кўпчилиги ўз касбининг ўзгартиришти. Шунга қараганда, олтиннинг ҳам таги кўриб қолганга ўхшайди.

Республика Президенти И. А. Каримов «Известия» рўномаси мухбири билан суҳбатда шундай фикрни айтди: «Ўзбекистон ўз ҳудудидаги барча таъиний бойликларга ҳақида республикада ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга эгаллик қилиши керак. Бу асосий талабдир». Энди шу тарафда ҳаракат қилмасак бўлмайди. Ичкилобдан келадиган дарвини қўй тўралик, унчага Россиянинг ҳам ашё базаси бўлиб келганимиз етмасмиди? Тенглар ичра тенг бўлиб, ўзимизнинг ери-мизга ўзимиз ҳўжайинлик қила олмасак, бизнинг эркинлигимиздан нима фойда? Қачонгача Иттифоқ вазирликлари курсларидан ўтирган даҳоларга бутун умримизни бахшида қиламиз? Биз шунча йил бадалидега хом ашё бериб, наҳотки «қара»имизни узолмаган бўлсак? Мабодо, марказ Навоий, Зарафшон, Учқудуқ каби йирик шаҳарларни Ўзбекистон учун қўриб бердик, деса, у ҳолда қаттиқ янгилашди.

Ақсинча, бизнинг иқтисодиётимиз, атроф муҳитимиз, қолаверса, келажакимиз катта зинн кўрмоқда. Энг даҳшатлини шуки, қадриятларимиз буюсти қилинмоқда.

ДЕПУТАТ ТИНГЛАСИН ЭЛ ОВОЗИНИ

ҲАЙРОНМАН

Яқинда ўғлимга паспорт беришди. Ажаб-лакерли томони шундаки, унинг ҳар иккала соҳифаси ҳам рус тилида тўлдирилди. Бу нимаси?

Илгори бошланиб олдиға кириб норозилик билдирсам, у киши: «Бизга кўрсатма белгани йўқ», — дейди. Наҳотки Олий Кенгаши-миз чиқарган қонун ҳаммага таллуқли бўл-масе?

Абдумалик АБДУЛАЗИЗ ўғли,
Термиз шаҳри.

МЕҲМОН ГАПИ МАЪҚУЛ ЭДИ

Кўчма Самарқандга дунёнинг турли томонлардан кўпгаб сайёҳлар келиб туриш-лади. «СамДУ» бекетида троллейбусга чиққан нотаниш эғли аёл билан танқисиб қолдим. Унинг кавсалигини кўриб жой бердим. Меҳмон миннетдорчилик билди-риб, Айини музейини сўраб қолди. Мен ушбу томонга бораётганимни айтдим. Ниҳоят белгилаган жойга келдик. Ҳайдоқчи «Зоомгазин» бекети деб эълон қилди. Ҳамроҳим музей олдиғача ёзуларни ўқир экан, шундай деди: «Бу бекат номини «Айини» десанглр ахши бўларди. Чунки буюк адибни бутун мажон билди. У бил-лан хайрлашиб йўлимда давом этдим. Ўйлаб кўрсам, меҳмоннинг гапида жон бор.

М. МУХТОРОВ.

КИМГА АРЗ ҚИЛАЙ...

Улуғ Ватан урушида икки ойғимдан ажралганим. Шунга қармай Андижон ша-ҳар озиқ-овқат савдоси идорасида 55 йил-дан бўён ишлайман. Қариган чоғимда бит-та енгил автомашина сўрсам, шаҳар иж-рокомидигилар иш жойимга, иш жойимда-ғил ижрокомга бор, дейишди. Ҳўш, қайси бирларининг гапларига ишонай?

Шундоқ ҳам нотар аҳолим бу сарсон-гарчиликдан кейин баҳар ёмонлашди. Ари-за кўтариб вилот ва шаҳар раҳбарларига учрадим. Улардан ҳам аруелик чиқмади. Уруш ногиронига — 12 боланинг отаси, 66 неваре ва чеваранинг босибига меҳру оқи-бат шуми! Энди кимга арз қилай...

Зурридди ХУДОЙҚУЛОВ,
Андижон шаҳри.

ЕРДАМ БЕРИНГ

Мен 1984 йилда А. Жабборовга турмуш-га чиққан эдим. Пешонам шўр экан, тур-мушимиз бўлмай, икки бола билан ажраш-дик. Эрим болаларимга икки ойгина али-мент тўлади. Ҳозир давлат берадиган 24 сўмга ўзим ва икки болам ҳаёт кечирмоқ-дамиз. Менга ачинадиган одамнинг ўзи йўқ.

Бўстонлик район ҳалқ судьяси Абдусам-атовга бир неча бор мурожаат қилдим. У киши менин ҳолимни тушуниб, ишимни

ЭСКИ ТЕГИРМОН ТИКЛАНДИ

Сирдерё районининг «Ленин-град» жамоа ҳўжалиғидаги эски тегирмон ана ишга туши-рилди. Бу ерда маъзур тегир-монда аъло сифатли ун тор-тилганимиз эсладилар, айини вақтда шу жойини ўзида маҳ-сулотни беосоти қайта ишлаб чиқариш мумкин эди. Энди жамоа ҳўжалиғининг ҳар бир аъзоси имтиёзли нархларда те-гирмончи хизматидан фойдала-на олади. Бундан ташқари ҳў-жалик 1991 йилда тегирмонда 500 тонна ижўрмини тортириб, тайёр маҳсулотни ўз хо-дишларига имтиёзли нархлар-да сотишни режалаштирмоқда.

(ЎЗАТ).



15 йилдирки, Зоя Каримова Фарғона вилоятидаги Фарғона районининг Кўр-голтета қишлоғи аҳолисиға кундалик ма-тбуот нашрларини, турли хил ха-т-хабарларни ўз вақтида етказиб бер-моқда.

Зоя опа, эл меҳрини осонликча қо-зонгани йўқ. Тўй ва наърақларда хиз-мат қилишдан оғринмайди. Ўзбек тили-ни

да ўз она тилидек гапирганини кўриб, кўнглинига айрайди. Қанайди, биз байналмиллавларимиз деб, кўксига ура-ётганларга бу сабоқ бўлса.

Ҳеч толманг, ана кўй йиллар халқ-и-мига хизмат қилдинг, Зоя опа.

СУРАТДА: Зоя Каримова мушта-рийлар даврасида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

Холис фикр

КЕРАГИНИ КУНДАЙИГ

Ҳар бир одам эҳтиёткор, тежамкор, ўз ишига пишиқ бўлгани яхши. Агар республикаимизнинг узоқ туманларига, қишлоқларига йўлнинг эҳтиёткор, бир эътибор бери-ринг, дала чекмасида бузи-либ ётган занжирли, гилди-ракли трактор, темир оқоч-ларнинг қисмлари улоқиб ёт-ганнинг кўрсин. Улар ораси-да яроқлиларини ҳам қўриб, ажабланасиз. Бу асосан-жомларин бир ерга йиғиб, қайта таъмирлашса, бўлмас-микни, деб ўйлаб қоласиз.

Шу йил кўкламда сирдерё-ликлар яхши ташаббус бе-лан чиқдилар. Улар машина-механизмларини сақлашниш, қарови, сифатли таъмирла-ниши бўйича кўрик ўтказиш-га қарор қилишди. Бу кўрик аввало ҳўжаликларга ўтқа-зилди. Кейин районлар, ви-лоят бўйича гойиблар аниқ-ланди. Ҳамма шартларни ба-жарган Меҳнатобод райони моханизаторлари биринчи бўлилар. Энди улар респу-бликадаги энг тежамкор, иш-билармонлар билан беллаша-дилар.

Дарвоқе, ота-боболаримиз керагини кунда йиғ ҳеч нимага зоринмайсан, деб бе-жиз айтишмайсан. Меҳнат-обод райондагилар бу нақла азаддан қатъий амал қил-шади. Шу бож техника ва жиҳозлар кўриғида биринчи-ликни эгаллашди.

Айни пайтда районда 628 та занжирли ва гилдиракли тракторлар, 591 та культиватор, селжа, чизель, темир оқоч, 341 та пахта териш ва галла ўриш машиналарининг яхши сақланганлиги, сифат-ли таъмирланганлиги му-ваффақиятларга сабаб бўл-ди. Ҳатто кўриғида район ҳў-дудида темир-терсақларнинг улда-жўлда сочилиб етма-ганлиги ҳам ҳисобга олин-ди.

— Бундай ютуқларга ў-зидан эришилмади, — дей-ди район техника ва жиҳоз-ларини назорат қилиш давлат мушобирлиги бошлиғи Ибро-ҳим Нуруев. — Ҳар бир меҳанизатор, кўжалик бош муҳандисларидан ўз ишига садоқат, саранжом-сарият-лик талаб қилинди. Бу ишда



Пахтакор районидagi Ақил Икромов номли давлат ҳўжалиғининг Асқар Еқубов бошлиқ бедачилик звеноси деҳқонлари озуғаниннг иккинчи ўрнини тугатиш арафа-сида туришибди. Улар шу масъумда 53 гектар йўнгица-зорнинг ҳар гектаридан 70 центнердан пичан олишни режалаштиришган.

СУРАТЛАРДА: 1. Илгор комбайнчи Турсуи Умаров, 2. Звено бошлиғи Асқар Еқубов (ўнгда) отаси—суғча Ғсар Еқубов билан беда сифатини кўздан кечкиришмоқда, 3. Беда ўрини.

У. ҚўШВОҚОВ олган сурат.

